

# الحكم تقود إلى السعادة

الجزء الثامن

«Хикматлар – саодатга етаклар»

**Саккизинчи китоб**

**Тузувчи ва таржимон:**  
Анвар Аҳмад

Тошкент:  
2015 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ТАҚДИМ

Ўзининг илохий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича хамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикили Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз хузуридан рух пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсулни эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустахкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «ҳукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайх Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқириликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Мулькамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуидаги таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сирасорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи кўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд

алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

**«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовор Зотдир»** (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

**«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласидиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик»** (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Фаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлади, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласи.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр қўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр қўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр баҳш эта оловчи китоблар ичida энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр қўргандек тажрибага эга бўлади. Зоро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хulosаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, хар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳакиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида

дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа халқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаған устоз Анвар Ахмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz) сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида муентазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўкувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишилардан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўкувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиш учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўкувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда сахобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўкувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуйидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقہ نفسك
- 2) کلام من القلب
- 3) خذ الحكمۃ
- 4) بستان الحکماء
- 5) ثقافة حول العالم
- 6) الموسوعة بوک
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حکمة الیوم
- 9) عجائب وغرائب حول العالم
- 10) أقوال أعججتني

11) كنوز من الحكمة

12) ذكر الله

13) عذب الكلام

14) عالم الثقافة والمعروفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга харакат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилганд. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчидаги таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хуроса шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, максадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «**Ҳикматлар – саодатга етаклар**» китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлирида Ўзи мададкор бўлсин.



1556. «Ва тезда Роббинг сенга ато қилади, ва сен рози бўлурсан» (*Зуҳо сураси, 5-оят*).

Аллоҳ сенга берибина қўймайди, балки то рози бўлгунингча ато қилади!



1557. Кўлга кирита олмаган нарсангга маҳзун бўлма!  
Агар у пешонангга ёзилган бўлса, насиб қиласеради.  
«Бизга Аллоҳ ёзиб қўйган нарсадан ўзгаси зинхор етмайди»  
(*Тавба сураси, 51-оят*).



1558. Огох бўл!

Сабр билан хоҳлаган нарсангга етишасан, тақво билан эса темир ҳам сен учун юмшаб, эгилади.



1559. Қалблар қозонга ўхшайди, ундаги нарса қайнаб чиқаверади. Унинг чўмичи эса тилдир. Гапираётган кишининг қалбидаги нарса тилига чиқади. Бу чўмичга чиққан сўз ширин ҳам, нордон ҳам, чучук ҳам, шўр ҳам бўлиши мумкин. Шу тариқа тил сенга қалбнинг таъмини аниқлаб беради.


Доно халқимиз буни «Қозонда бори чўмичга чиқади» дейди.



1560. Табассумга нон сотиб ололмайсан, лекин кайфият сотиб олишинг мумкин.



1561. Ҳар кунингни Набий алайҳиссаломга «соллаллоҳу алайҳи васаллам» деб салавот айтиш, Роббингга шукр қилиб, ҳамд айтиш, табассум қилган, рози бўлган ва зикр қилган ҳолда Аллоҳнинг фазлини эътироф этиш или бошласанг қандай гўзал!



1562. Аллоҳим! Қалбларимизни тоат-ибодатингда, нафсларимизни Ўзингдан қўрқишида, руҳларимизни жаннатингда жам қилгин!



1563. Бир киши бир ҳаким зотдан: «Қанча овқат ейин?» деб сўрабди. Ҳаким: «Очликдан билан тўқлик орасида», дебди.

У «Қанча кулайин?» деб сўрабди. Ҳаким: «Юзинг яшнасин, лекин овозингни баланд кўтармай кул», дебди.

У «Қанча йиғлайн?» деб сўрабди. Ҳаким: «Аллоҳдан қўрқиб ҳар қанча йиғласанг ҳам, малол олма», дебди.

У «Солиҳ амалимни қанчалик яширай?» дебди. Ҳаким: «Кўлингдан келганича», деди.

У «Қанчасини ошкора қилай?» дебди. Ҳаким: «Одамлар сенга эргашгунича», дебди.

У «Одамлар мени мақташса, қанчалик севинай?» дебди. Ҳаким: «Аллоҳни ўзингдан қанчалик рози ёки норози деб гумон қилсанг, ўшанча», дебди.



1564. Мұхаммад Арийфий айтадилар:  
«Агар Аллоҳ гуноҳларни яширмаса, бу дунё қандай бўлишини тасаввур ҳам қила олмадим!

Фараз қилинг:  
Гуноҳларда ҳид бўлса-ю, гуноҳимиз миқдорича ҳид анқиб турса!

Қилган гуноҳларимиз пешонамизга ёзилиб қолаверса!  
Қилган ишларимиз дарвозамизга ёзиб қўйилса!  
Одамлар Аллоҳ яшириб турган амалларимизни билиб туришса!  
Бир фараз қилиб кўринг!  
Бу неъматни ато қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!  
Аллоҳим! Гуноҳларимизни яширишингни тортиб олма!  
**«Аллоҳуммастур ъавротана ва амин равъатана»** (Аллоҳим, авратларимизни яшир, хавфларимизни омонликка айлантири).



1565. Аллоҳим! Қалбларимиз Сендан қўрқиб мулойим бўлишини, Зикринг билан гўзал бўлишини, Муҳаббатинг билан мусаффо бўлишини насиб қил!



1566. Жаннатдаги илк тонг қандай бошланаркин?

Қасринг айвонида турибсан. У ердан туриб олтин-кумуш конлар, дарёлар ва боғ-роғларни томоша қиласан. Осмону ерлар мутлақо бошқача. Бир анхордан сут, бир анхордан асал, бир анхордан шарбат, бир анхордан мусаффо сув оқиб туриди. Тилло ва кумушдан ясалган қасрлар, кўзинг етганча гавҳар тошли ерлар. Атрофни мушки анбар тепалигидан тараалган муаттар хидлар чулғаган. Ҳаммаёқда дараҳтлар... Шохлари тиллодан... Шохларида

анвойи мевалар... Атрофингда хизматкорлар... Баланд маконда эса Буюк Подшоҳ. Абадий қолувчи ҳурлар, ёш хизматкор болалар. У дунёда жудо бўлган яқинларингнинг барчаси ҳузурингда жамулжам...

Мана шу неъматларнинг барчаси ўткинчи дунё фитналарига сабр қилишга, нафсни Аллоҳ йўлида кўп тоат-ибодат қилишга, гуноҳ-маъсиятлардан йироқ бўлишга арзимайдими?



1567. Кўпчилик одамлар нажосатдан ниҳоятда жирканишади, лекин гийбатга эътибор беришмайди.

Кўп садақалар беришади, лекин рибога эътибор беришмайди.

Кечаси туриб таҳажжуд намозини ўқишади, лекин фарз намозларга бепарво бўлишади.

Бунинг сабабларини ўрганиб, икки омилни аниқладик:

1. Бу нарса уларга одат бўлиб қолган.
2. Талаб этилган нарсани қўлга киритишда ҳавои-нафслари ғолиб келган.

Ким усулни, яъни бирламчи масалани ўрганса, фуруъларда, яъни иккиламчи масалаларда ютуқقا эришади.

**في كلام العرب ألفاظ مثناء تحيل  
إلى شيئين بينهما جامع، ومن هذه  
الالفاظ ومعانيها:**

1. الداران = الدنيا والآخرة.
2. الجديدان = الليل والنهر.
3. الخافقان = المشرق والمغرب.
4. الأصغران = القلب واللسان.
5. الدائبان = الشمس والقمر.
6. التضلان = الإنسان والجن.
7. النقادان = الذهب والفضة.
8. الأزهران = الشمس والقمر.
9. الأبيضان = اللبن والماء.
10. الأسودان = التمر والماء.
11. الأصفران = الذهب والزعفران.
12. الأحمران = اللحم والخمر.
13. الأمران = الفقر والشيخوخة.
14. الأعميان = السيل والحريق.
15. القمران = الشمس والقمر.
16. الميتتان = السمك والجراد.
17. الناعييان = الشيب والشيخوخة.

1568. Араб тилида шундай иккилил лафзлар борки, улар икки нарсани биргаликда англатади:

1. Икки ҳовли – дунё ва охират.
2. Икки янги – кеча ва кундуз.
3. Икки томон – машриқ ва мағриб.
4. Икки кичик – қалб ва тил.
5. Икки пайдар-пай келувчи – қуёш ва ой.
6. Икки оғир – инс ва жин.
7. Икки нақд – олтин ва кумуш.
8. Икки гул – қуёш ва ой.
9. Икки оқ – сут ва сув.
10. Икки қора – хурмо ва сув.
11. Икки сариқ – олтин ва заъфарон.
12. Икки қизил – гүшт ва шароб.

13. Икки аччиқ – камбағаллик ва қарилик.
14. Икки күр – сел ва ёнғин.
15. Икки ой – қуёш ва ой.
16. Икки ўлик – балиқ ва чигиртка.
17. Икки ўлим хабарини берувчи – соч-соқолнинг оқариши ва қарилик.

## المنجيات ١٧ من عذاب القبر

بر الوالدين.	الصلوة.
ذكر الله تعالى.	صوم رمضان.
سرعة الفصل من العذابية.	الحج والعمرة.
صلة الرحم.	الأمر بالمعروف والنهي عن المنكر.
حسن الخلق.	الخوف من الله تعالى.
الآفراط (الأولاد الصغار) الذين ماتوا صغاراً.	الرجاء في الله تعالى.
البكاء من خشية الله.	حسن الطلاق بالله.
الإكثار من قول لا إله إلا الله.	الصلوة على رسول الله صلى الله عليه وسلم.



1569. 17 нарса қабр азобидан нажот беради:

1. Ота-онага яхшилик қилиш.
2. Намоз.
3. Рамазон рўзаси.
4. Ҳаж ва умра.
5. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш.
6. Аллоҳ таолодан қўрқиш.
7. Аллоҳдан умидвор бўлиш.
8. Аллоҳ ҳақида яхши гумонда бўлиш.
9. Доимо таҳоратли юриш.
10. Доимо Аллоҳнинг зикрида юриш.
11. Жунубликдан дарҳол ғусл қилиш.
12. Қариндош-уругчилик алоқаларини тиклаш (силаи раҳм).
13. Ҳусни хулқ.
14. Гўдаклигida вафот этган фарзанд.
15. Аллоҳдан қўрқиб йиғлаш.
16. «Лаа илааха إلَّا اللَّهُ»ни кўп айтиш.
17. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга салавот айтиш.



1570. «Аллоҳумма, солли ўалаа Мұхаммадин ва ўалаа аали Мұхаммад, камаа соллайта ўалаа Иброҳийма ва ўалаа аали Иброҳийм, иннака ҳамийдum мажиид. Аллоҳумма, баарик ўалаа Мұхаммадин ва ўалаа аали Мұхаммад, камаа баарокта ўалаа Иброҳийма ва ўалаа аали Иброҳийм, иннака ҳамийdum мажиид».

(Аллоҳим, Иброҳим алайхиссаломни ва у зотнинг аҳлини ёрлақаганингдек, Мұхаммад алайхиссаломни ва у зотнинг аҳлини ҳам ёрлақагин. Албатта, Сен мақтовли, улуғ зотсан. Аллоҳим, Иброҳим алайхиссаломни ва унинг аҳлини баракотли қилганингдек, Мұхаммад алайхиссаломни ва у зотнинг аҳлларини ҳам баракотли қил. Албатта, Сен мақтовли, улуғ зотсан.)



1571. Аллоҳнинг зикридан ғафлатда ухламагин, лабларинг У Зотга тасбех айтиб турсин!

**من حقوق الأزواج على بعضهم**

على الزوج حق أن ينفق على امرأته، ولا يكلفها من الأوامر ما لا  
نطبيق، وإن سكنها في بيت يصلح لشلتها، وإن يعلمها ما يقوم به دينها،  
وأن يغفار عليها غيره شرعاً، وإن يصونها صيانة تامة، وإن لا  
يختونها، وإن يعاشرها بمعروف ((إمساكٌ بغيره أو شریع  
يا خسان)) قال عَلَى رَبِّكُمْ : ((استوصوا بالنساء خيرها)) وسنن  
عَلَى رَبِّكُمْ ما حق امرأة أحدهنا عليه قال ((إن نفعنها إذا صلمت  
ونكسوها إذا استنكست أو نكسنها ولا تضرب الوجه ولا تقنع ولا  
نهجز إلا في البيت)) حديث صحيح

ومن حق الزوج على زوجته أن تطليمه في المعروف، وإن تتابعه في  
مسكنه، والا تصوم تصوغاً إلا ياذنه، والا تاذن لأحد في بيته إلا ياذنه،  
ولا تخرج بغير إذنه، وإن تشكر نعمته التي انعم بها عليها، ولا  
تکفرها، وإن تدبر منزلها، وإن تنهيأ له؛ وإن تهيء له أسباب العيشة  
المرضية، وإن تحفظه في دينه وماله وعرضه قال عَلَى رَبِّكُمْ :  
((إيماناً امرأة ماتت وزوجها عنتها راض دخلت الجنة)) حديث صحيح

مستفاد من: حسن المشرفة الزوجية  
نسخ عَلَى رَبِّكُمْ عَلَى رَبِّكُمْ حَمْدَهُ لَهُ

1572. Хотиннинг эрдаги ҳақлари:

- маблағидан сарф қилиш;
- тоқати етмайдиган ишга буюрмаслик;
- муносиб маскан ҳозирлаш;
- диний заруратларни ўргатиш;
- шаръий раشك қилиш;
- уни тўлиқ ҳимоя қилиш;
- ёмон гумон қилмаслик;
- у билан яхшилиқда яшаш.

Аллоҳ таоло «Ё яхшилиқда яшаш, ё яхшилиқ билан қўйиб юбориш», деб айтган (*Бақара сураси, 229-оят*).

Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аёлларга яхши мумалада бўлинглар», деганлар.

Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Эй Аллоҳнинг Расули, бизнинг зиммамида хотинларнинг қандай ҳақлари бор?» деб сўрадим. У зот «Еганингдан едирасан, кийганингдан кийдирасан. Юзига урмайсан. Қаттиқ уришмайсан, уйдан чиқиб кетиб ҳижрон қилмайсан», дедилар.

Эрнинг хотиндаги ҳақлари:

- яхшиликда итоат қилиш;
- уй-жойини яхши, озода тутиш;
- изнисиз нафл рўза тутмаслик;
- изнисиз уйга бегоналарни киритмаслик;
- изнисиз кўчага чиқмаслик;
- келтирганига ташаккур айтиш, нолимаслик;
- рўзғорни эри рози бўладиган ҳолда тутиш;
- эрининг динини, мол-мулкини ва обрўсини сақлаш.

Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Эрини рози қилиб вафот этган аёл жаннатга киради», деганлар.



1573. Аллоҳим! Сендан ишларда субут, тўғри йўлда қатъият, неъматингга шукrona, гўзал ибодат, соғлом қалб, ростгўй тил сўрайман!

Берган илмларингнинг яхшисини сўрайман, ёмонидан паноҳ тилайман. Сен биладиган ишларим учун истигфор айтаман. Сен ғайбни билувчи Зотсан!



1574. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:
- «Одам боласи икки нарсани ёмон кўради:
- ўлимни ёмон кўради, ваҳоланки ўлим унинг учун фитнадан яхшидир;
  - мол-дунёнинг камлигини ёмон кўради, ваҳоланки оз мол-дунёнинг ҳисоб-китоби ҳам оз бўлади».



1575. «Кўрганларингга ҳайратда қолмаётган бўлсанг, қилган ишларингга яхшироқ назар сол»  
 («Мен қойил қолган сўзлар»)



1576. «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси:  
У нур узра нурдир, қалбларга шифодир.  
У – Роҳман ва Ғоғур сифатли Зотнинг зикридир.  
У – танлаб олинган Набийдан ўрганилгандир.  
У – зикрларнинг афзалидир. Катталар, уни айтиб юринглар ва ёшларга ҳам ўргатинглар.



1577. Мусофириң мүқимга айтадигани:  
«Аставдиъукумуллоҳа аллазии лаа тазијъу вадоиъух».  
(«Сизларни омонати зое бўлмайдиган Аллоҳга топширдим»)  
*Ибн Сунний ва бошқалар ривоят қилган.*

Мүқимнинг мусофирига айтадигани:  
«Аставдиъуллоҳа дийнака, ва амаанатака, ва хавотима ъамалик».

(«Динингни, омонатингни ва амалларингнинг хотимасини Аллоҳга топширдим»)  
*Абу Довуд ривоят қилган.*



1578. Сени Аллоҳ яхши кўрса, бошқа ҳеч ким У Зотдан кўра кўпроқ яхши кўра олмайди.

Сенга У Зот берса, бошқа ҳеч ким У Зотдан кўра карамлироқ бера олмайди.

Сенга У Зот ғазаб қилса, У Зотдан сени бошқа ҳеч ким қутқара олмайди.

Аллоҳдан бошқа киминг бор?


Аллоҳим! Гувоҳлик бериб айтаманки, мен Сени яхши кўраман!



1579. Қийинчиликлар сендаги қобилиятни юзага чиқариш учун яратилгандир, сен ноумид бўлма!



1580. Аллоҳ сенга ғоятда қимматбаҳо ҳадя ато қиласи. Лекин у балолар билан ўраб қўйилган бўлади. Ушбу ўралган нарса очилиб, ана шу ҳадяни қўлга киритишинг учун доим сабр қилишинг лозим.



1581. Аввало Аллоҳдан, сўнгра одамлардан хаё қилиш одобнинг чўққисидир!




1582. Ўзининг Зикри билан уйғониб, борлигини хис қилдириш учун, ерини обод қилишга ҳаракат қилишимиз учун ҳаётимизнинг ҳар бир кунида янги кунни насиб қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!



1583. Уйланмаган йигит оила қурган йигитдан: «Киши уйлангандагина мусибатни хис қилади дейишади, шу түғрими?» деб сүради.

Уйланган йигит: «Йўқ. Лекин солиҳа хотиннинг қадри мусибатлар келгандагина билинади», деб жавоб берди.



1584. Бир ишни қилишга қийналсанг, уни қилиш учун бошқа пайтни танла, чунки ҳар бир фурсатнинг ўзига яраша сир-асори бор.

Изоҳ: Масалан, кечки пайт бир ишни амалга ошираётганингизда ҳеч у иш ўнгидан келмаса, уни эрталаб амалга оширинг. Чунки, эрта тонгда барака бор.



1585. Суфён ас-Саврий роҳимаҳуллоҳ шундай деганлар: «Бир гуноҳ қилганим учун беш ой таҳажжуд намозидан маҳрум бўлдим».



1586. Сўзлашда ҳам, кийинишда ҳам – барча ишларда тавозеъли бўл, чунки тавозеъ пайғамбарларнинг, солих зотларнинг шиоридир.



1587. Зулмга, хорликка ва азобга учраганингда иложсиз қолсанг, «Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакил», десанг кифоя.  
 («Аллоҳнинг йўзи менга кифоя, У нақадар яхши вакил!»)



1588. Ризқ учун калласи сахарлаб уйғонсанг-да, лекин ўша ризқни берувчи Зот учун бомдодга тура олмасанг, ҳамма нарсадан маҳрум бўлибсан!  
 «Намоз уйқудан афзал!»



1589. Болалигимизда тезроқ улғайиб, бу ҳаётни кашф қилишни орзу қиласиз, улғайганимизда эса кашф қилган нарсамиздан қочиб, болаликка қайтишни орзу қиласиз!



1590. Бешта зулмат борлигини ва уларнинг ҳар бирини ёритувчи нур ҳам борлигини биласизми?

- Гуноҳлар зулматдир, унинг чироғи тавбадир.
- Қабр зулматдир, унинг чироғи намоздир.
- Мезон зулматдир, унинг чироғи «Лаа илааха إلّا اللّهُ»дир.
- Сирот кўприги зулматдир, унинг чироғи кучли ишончдир.
- Охират зулматдир, унинг чироғи солиҳ амалдир.



1591. Аллоҳим! Мен учун ва «омийн» деган ҳар бир киши учун даргоҳингда жаннатда бир қаср барпо қилгин!



1592. Бало келганды сабр қилсанг, бу балонинг ортидан яна бало келса, яна сабр қилсанг, сүнгра яна бало келса, яна сабр қилаверсанг, шуни аниқ билиб қўйгинки, Аллоҳ сенга тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган даражада нарсалар ато қиласди!



1593. Тавба – гуноҳларинг кўп бўлса ҳам Аллоҳга қайтишингдир. Қулоғинггача маъсиятга ботсанг ҳам гуноҳларингни яширган Зот тавба қилган ҳолингда сени хорлаб қўймайди.



1594. Иймонинг комил бўлсинки, дунёда эккан яхшилигинг бу дунёда ҳам, охиратда ҳам мева беради.



1595. Рұхнинг саодати Аллоҳнинг розилигидадир.  
Нафснинг саодати Аллоҳнинг зикридадир.  
Қалбнинг саодати Аллоҳ йўлида яхши кўрганларнинг бир-  
бирига дўстона муносабатидадир.



1596. Кечагина вафот этганлар ҳам бизга ўхшаб, «Эртага ҳам яшайман» деб ўйлашган эди.

Аллоҳим, Сендан гўзал хотима сўраймиз!



1597. Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўйлабни қисқартириш, тирноқларни олиш, қўлтиқ остини тоза тутиш (тукини юлиш), қовуқ устини (тукини) қириш муддатии қўпи билан қирқ кун деб белгилаганлар.

*Абу Довуд ва бошқалар ривоят қилишиган.*



1598. Фузайл ибн Иёз «Ким «Алхамдулиллаҳ»ни кўп айтса, унинг учун дуо қиласиганлар кўпаяди», деган эдилар, «Бу гапни қаердан олдингиз?» деб қолишиди. У зот: «Ҳар бир намозхон «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» («Аллоҳ ҳамд айтган кишини эшиитди») дейди-ку», дедилар.



1599. 2014 йилга кириб келдик ҳамки, баъзилар ҳалигача автомобилни улов эмас, ҳашамат деб билмоқда!

Баъзилар ҳалигача кийим-кечакни лиbos эмас, безак деб билмоқда!

Баъзилар ҳалигача уйини турар жой эмас, мақтаниш воситаси деб билмоқда!

Баъзилар ҳалигача одамларнинг ташқи кўринишига баҳо бериб, қалб ва ақл деган нарсаларни унтиб қўйишмоқда!

Зоҳирий таассуротларгагина ғарқ бўлган жамиятда яшамоқдамизми?



1600. Йигит қизнинг телефон рақамини сўраган эди, қиз «17-32» деди. Йигит ҳайрон бўлиб, «Бу қайси компаниянинг рақами, коди неччи?» деди. Қиз жавоб берди: «Бу 17-суранинг 32-ояти. Унда «**Ва зинога яқинлашманглар, чунки бу фаҳшдир, ёмон йўлдир**», дейилган».

Аллоҳим, ҳаромдан эмас, ҳалолингдан бергин!

(Оятда «зино қилманглар» эмас, балки «зинога яқинлашманглар» дейилмоқда. Бу эса зино қилманглар дейишдан қаттиқроқ буйруқдир. Мўмин-мусулмон одам зино қилиши тугул, унинг яқинига ҳам йўламаслиги, зинога олиб борувчи нарсалардан ҳам узоқда бўлишии лозим).



1601. Ҳақиқат гўё уруғдир. Уни ҳарчанд яширма, тупроқ остида ҳам ўsavеради.



1602. Ҳаётда юз берадиган энг ёмон ҳолат шуки, тилинг қалбингдаги сўзларни ифода қила олмай қолади.



1603. Аллоҳнинг муҳаббати билан машғул қалбда бошқалардан нафратланишга вақт йўқ.

Аллоҳим, муҳаббатингга машғул қил, одамлар билан машғул қилиб қўйма!



1604. Шундай кунлар бўлади, бир йилдек туюлади.  
Шундай кунлар бўлади, бир соатдек туюлади.  
Ҳаммаси ҳам бир кун, лекин мазмуни ҳар хил.



1605. Маҳзун бўлганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!  
Дунё бизга тор бўлиб қолганда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!  
Хурсанд бўлганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!  
Бемор бўлганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!  
Қазои қадарга рози бўлганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!  
Муаммодан қутулганимизда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!  
Хар бир ҳолатда Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!



1606.  
Эй баҳт-саодат қидирган инсон, ҳикоямга қулоқ сол:  
«Қаердан бошлайин?» дема, ибтидо – Аллоҳга тоатдир.  
«Қаерга борайин?» дема, тўғри йўл Аллоҳнинг шариатидир.

«Ноз-неъмат қаерда?» дема, сенга Аллоҳнинг жаннати кифоядир.

«Эртага бошлайман» дема, эҳтимол, интиҳоинг эртагадир?



1607. Ўтиб кетган нарсага ғам чекиб, келадиган нарсадан кўркиб яшашдан эҳтиёт бўй!

Аллоҳдан ёрдам сўраб, Унга таваккул қилгин-да, келган жойингдан бошлайвер!



1608. Ҳаром нарсалардан тақво қил, одамларнинг энг ибодатлиси бўласан.

Аллоҳнинг ёзганига рози бўл, одамларнинг энг бойи бўласан.

Кўшнингга яхшилик қил, мўмин бўласан.

Ўзингга раво кўрганингни бошқаларга ҳам раво кўр, мусулмон бўласан.

Кўп кулма, кўп кулги қалбни ўлдиради.



1609. Ёш бола саккиз хислати билан биздан фарқ қиласди:

1. Ризқнинг ташвишини қилишмайди.
  2. Бемор бўлса, Аллоҳнинг қазои-қадаридан хуноб бўлишмайди.
  3. Уларнинг қалбида гина-кудурат, кек ва адоват бўлмайди.
  4. Улар тезда ярашишга шошилишади.
  5. Улар тўп-тўп бўлиб овқатланадилар.
  6. Улар бироз қўрқоқроқ бўлишади, холос.
  7. Кўзларига дарров ёш келади.
  8. Алдашни, иккиюзламачиликни билишмайди.
- Қанийди биз ҳам ана шундай бўлсак!



1610. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Ким жаннатга кирса, неъмат ичра хузурланади, ночор бўлмайди, кийимлари ҳам эскирмайди, навқиронлиги ҳам йўқолмайди. Жаннатда кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган, инсон қалби хис этмаган нарсалар бор».

*Имом Аҳмад ривоят қилган.*

Аллоҳим, бизларга жаннатда яшашни насиб қил!



1611. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Арабнинг ажамдан, ажамнинг арабдан, оқнинг қорадан, қоранинг оқдан тақводан бошқа устунлиги йўқ. Одамлар Одам алайҳиссаломдан тарқалган, Одам алайҳиссалом эса тупроқдан яратилган».



1612. Аллоҳ яхши амал қилғанларнинг ажрини зое қилмас!

Қилған яхшилигинг унутилмайди!

Бирорни баҳтли қилған лаҳзаларинг учун надомат чекма, ўша одам бунга ҳақли бўлмаса ҳам. Ахир сен бунинг учун одамларнинг Роббидан савоб умид қилгансан!



1613. Солиҳ эр хотинга Аллоҳ берган неъматдир, йўлда ҳамроҳ, суюнчиқ ва маҳбубдир. У жону тани билан хотинининг фидокоридир!



1614. Эҳтиёт бўлинг, гуноҳ ва маъсият қилиш сиз учун осон иш бўлиб қолмасин!

Гуноҳ ва маъсият сиз учун тоат-ибодатдан кўра осон бўлиб қолдими, демак, сиз истидрождасиз, яъни Аллоҳ сиз учун арқонни узун ташлаб қўйибди.

«Уларни билмайдиган томонларидан аста-секин оламиз»  
(Аъроф сураси, 182-оят).



1615. Аллоҳим, бизларга жаннатинг дарвозаларини оч!



1616. Қайси амалларни қилсак, Қиёмат куни гуноҳларимиз яширилади?

- бир мусулмонни шарманда қилмасак;
- биродаримизнинг мусибатидан шодланмасак. Эҳтимол, Аллоҳ унга раҳм қилиб, сени балога гирифтор қилар.
- гуноҳ қилган кишининг айбини очишга ҳаракат қилмасак. Зоро, тавба эшиклари очиқ. Эҳтимол, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечириб, унинг айбини ошкор қилганинг учун сенга гуноҳ ёзар?
- имкон борича бир мусулмонни айбини яширишга уринсак. Роббим, айбларимизни яширгин!



1617. «(Эй инсон!) Агар Аллоҳ сени (камбағаллик, хасталик каби) бирон зиён билан ушласа, уни фақат Ўзигина арита олади. Агар сени бирон яхшилилк билан ушласа, (билгинки,) У Зот ҳамма нарсага қодирдир. Унинг Ўзи бандалари узра ғолибдир. Унинг Ўзи ҳикмат соҳибидир, (хар нарсадан) огоҳдир» (Анъом сураси, 17-18-оятлар).



1618. Овқатланиш одблари:

- Овқатланганимда, Аллоҳнинг ибодати учун **кувват ҳосил қилишни** ният қиласман.
- Овқатдан олдин ва кейин қўлимни юваман.
- «Бисмиллаах»ни айтаман, ўнг қўлим билан ейман. Ўзимнинг олдимдан ейман, лаганин ўртасидан емайман. «Бисмиллаах»ни унутсан, эсимга тушганда «Бисмиллаахи аввалуху ва аахириху», деб айтаман.
- бор таомга қаноат қиласман, ҳеч бир таомни ёмонламайман. Таом ёқса ейман, ёқмаса емайман.

سيئات "الفيسبوك" البارية	حسنات "الفيس بوك" الجالية
<p>كتبة كلام فاحش بديء .</p> <p>الدعوة إلى الرذيلة والمعاصي .</p> <p>الشتم والإستهانة بأحد من المسلمين .</p> <p>إنشاء صفحات أو جروب تدعوا للرذيلة .</p> <p>وضع مقاطع وأفلام هابطة .</p> <p>وضع روابط لصفحات تهدم الدين .</p> <p>وضع صور فتيات في الصور الرميمية .</p> <p>وضع صور سيئة تخدر الحياه .</p> <p>كتبة الرسائل الغركلية بين الجنسين .</p> <p>تبادل الحوار العتدي والمكتظ بالهمز واللمز والغيبة والفتنة طرق</p>	<p>كتابية أية كريمة .</p> <p>كتابية حديث نبوى .</p> <p>كتابية دعاء وتحذر لله .</p> <p>كتابية موعظة أو تحصيحة .</p> <p>نشر تدوينات مفيدة للأصدقاء</p> <p>وضع روابط لصفحات دينية أو تربوية .</p> <p>وضع صور دعوية معبرة .</p> <p>وضع مقاطع قرآن أو محاضرات تداول البطلقات الدينية .</p> <p>الاشتراك بالصفحات الإسلامية</p> <p>ومتابعتها .</p>

1619. Фейсбуқда ўлгандан кейин ҳам бориб турадиган ҳасанотлар:

- Ояти карималар ёзиш;
- Набавий ҳадислар ёзиш;
- Аллоҳга қилинадиган тазарруъ ва дуоларни ёзиш;
- Ваъз ёки насиҳатлар ёзиш;
- Дўстларга динга ва тарбияга оид фойдали қайдномалар тарқатиш;
- Диний мазмундаги суратлар, ёзувлар, мақолалар ва Қуръон оятларини жойлаштириш;
- исломий саҳифаларда иштирок этиб, уларни кузатиб бориши.

**Фейсбуқда ўлгандан кейин ҳам бориб турадиган ёмонликлар:**

- Фаҳш ва уят сўзлар ёзиш;
- Разолат ва маъсиятга чақириш;
- Мусулмонларни масхаралаш, ёмонлаш;
- Разолатга чақирувчи саҳифаларни очиш;
- Тубанликка чақирувчи фильмларни жойлаш;
- Динни бузишга қаратилган саҳифаларга боғланиш;
- Рамзий сурат ўрнига аёл кишининг суратини жойлаш;
- Ҳаёга путур етказувчи суратларни жойлаш;
- Ишқий мактублар ёзишиш;
- Бироннинг обрўсини тўкиб, айблаш, ғийбат ва фитна мақсадида ёзилган мактублар алмасиши.



1620. Аллоҳим, бизларни икки неъмат – соғлик ва дин неъмати билан ҳузурлантиргин.

Икки зийнат – меҳрибон қалб ва ҳикматли ақл билан безагин.

Икки лаззат – Сенга муножот қилиш ва карамли Юзингга қарааш лаззатидан маҳрум қилмагин.

Икки яхшилик – дунё ва охиратдаги яхшиликни жамлаб бер.

**«Сендан бошқа илоҳ йўқ, Сени поклаб ёд этаман, мен эса золимлардан бўлдим».**



1621. Ушбу дуони ҳар куни айтиш нақадар гўзал:  
 «Аллоҳим, қалбимни сенга топширдим, уни Ўзингдан ўзгага боғлиқ қилма!

Аллоҳим, ўзимни Сенга топширдим, Ўзингни розилигингдан бошқасига қадам бостирма!

Аллоҳим, ахлимни, дўстларимни, мол-мулким ва менга насиб қилган барча нарсаларингни Ўзингга омонат топширдим, уларни барча маҳлуқотдан ҳимоялаб, сақлаб бер!

Аллоҳим, «Лаа илааха إِلَّا اللَّهُ وَمَا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهِ الْمَنَّا» шаҳодатини Сенга омонат топширдим, ўлим пайтида, қабрдаги савол-жавоб пайтида уни эсимга сол, у билан тарозумни оғир қил!»



1622. Расуллар оюнда шундай дедилар:  
«Қай бир аёл жиддий сабабсиз эридан талоқ сўраса, унга  
жаннатнинг ҳиди ҳам ҳаром бўлади».

*Термизий ривоят қилган.*




1623. Сизларга қуёш ва ойни совға қилмайман, чунки иккови ҳам ботиб кетади.

Сизларга шам ва қор ҳадя қилмайман, чунки иккови ҳам эриб кетади.

Сизларга чечак ва атиргул ҳадя қилмайман, чунки иккови ҳам куриб қолади.


Мен сизларга «Субҳааналлоҳи вабихамдиҳи, субҳааналлоҳил ъазийм»ни, «Лаа илааха اillalلoh»ни ва «Соллаллоҳу ъалаа Мұхаммадин ва аалихи ва соҳбихи васаллам»ни тортиқ қиласман, чунки бу калималарни зикр қилиб юрсангиз, қиёматдаги амаллар тарозусида абадий қолади.



1624. Аллоҳим, қалбларимизни Куръон ила, зикринг ила мунаввар қил.



1625. Бир кун келиб бугунинг ҳам тарихга айланади. Ўтмишим эслашга лойиқ бўлсин десанг, шу бугун арзийдиган иш қил!



1626. Суннатга мувофиқ тунги таҳажжуд намози:

Набий соллаллоху алайхи васаллам Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху ҳақида: «Агар тунги (таҳажжуд) намозини ўқиса, Абдуллоҳ жуда яхши одам-да», деганлар.

*Мұттәфақүн алайҳ.*

Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар: «Мана шу сўздан кейин (отам) Абдуллоҳ тунда жуда кам ухлайдиган бўлдилар», деганлар.



1627. Атиргул тўшалган йўлларнинг ҳаммаси хам улуғвор, шарафли хаётга олиб боравермайди.



1628. Қайлула\* қилинглар, чунки бу пайтда шайтонлар ухламайди.

\* Қайлула – пешин намозидан олдин, баъзи фикрларга кўра эса пешин намозидан кейинги қисқа фурсат бўлиб, бу пайтда бироз ухлаб олиш суннатдир.



1629. Йўқотган нарсангга хафа бўлма, эҳтимол, қўлга киритган нарсанг сенга мусибат келтирас... Аниқ билгинки, яхшилик Аллоҳ сен учун ихтиёр этган нарсададир!



1630. Ражаб ойи қизил чироқдир. Огоҳ бўлинг, Рамазон эшик қоқиб келмоқда, ғафлатдан уйғонинг!

Шаъбон ойи сариқ чироқдир. Тайёргарлик кўринг, ўзингизни тоат-ибодатга кўниктиринг, Рамазонда одат бўлиб қолсин!

Рамазон ойи эса яшил чироқдир. Тезликни оширинг, тоат-ибодатдан захира тўпланг, жаннат учун рақобат жуда кучли!



1631. Мусулмоннинг мусулмондаги ҳақлари.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг шундай деганларини эшитдим:

**«Мусулмоннинг мусулмонда бешта ҳаққи бор:**

- 1. Саломига алик олиш;**
- 2. Беморнинг ҳолидан хабар олиш;**
- 3. Жанозасида қатнашиш;**
- 4. Таклиф қилса бориш;**
- 5. Акса уриб, «Алҳамдуиллах» деса, «Йарҳамукаллоҳ», деб жавоб қайтариш».**

*Имом Бухорий ривоят қилган.*



1632. Агар ўзингнинг қадрингни билсанг эди, уни гуноҳу маъсиятлар билан хорламаган бўлардинг. Ваҳоланки Аллоҳ ибليسни сенга сажда қилмагани учун раҳматидан бадарға қилган эди. Шундай экан, қай юз билан ҳақиқий дўстингдан узоқлашиб, душманинг билан яхши муносабатда бўласан?



1633. Аллоҳим! Ўзимни, ота-онамни ва барча мўмину мўминаларнинг гуноҳини Ал-Фофур исминг билан мағфират қилишингни сўрайман.

«Астағфируллоҳал ъалиййал ъазийм, ва атуубу илайҳ!» (Олий, буюк Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қиласман!)



1634. Солих салафларнинг таҳажжуд намозидаги табақалари (даражалари) қуидагича бўлган:

Биринчи табақа туни билан бедор бўлиб, кечани ихё қилар эди. Хуфтон намозининг таҳорати билан бомдод ўқийдиганлар ҳам бор эди.

Иккинчи табақа туннинг ярмида бедор бўлар эди.

Учинчи табақа туннинг учдан бирида бедор бўлар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таолога энг маҳбуб намоз Довуд алайҳиссаломнинг намозидир. У зот кечанинг ярмида ухлар, учдан бирида бедор бўлар, олтидан бирида эса ухлар эдилар», деганлар.

Тўртинчи табақа туннинг олтидан ёки бешдан бирида бедор бўлар эди.

Бешинчи табақа бу ўлчовларга риоя қилмас, то уйқу ғолиб келгунича бедор бўлар, уйғониб қолса, туннинг қолган қисмини бедор ўтказар эди.

Олтинчи табақа кечаси тўрт ёки икки ракъат таҳажжуд ўқийдиганлар эди.

Еттинчи табақа икки кечки (шом ва хуфтон) намоз орасини бедор ўтказарди. Саҳар пайтида эса кўзларини юммас, иккисини бир-бирига улашарди.

Имом Муслим Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласидилар:

«Тунда шундай бир соат борки, мусулмон banda Аллоҳдан бирор яхшиликни сўраб ўша соатга тўғри келиб қолса, Аллоҳ уни албатта беради. Ҳар тунда шундай бўлади».

سأله امرأة مؤمنة عن  
أدوات تجميلها فقالت:  
استخدم الصدق لشفتي  
والقرآن لصوتي  
والرحمة والشفقة لعيني  
والإحسان ليدي  
والاستقامة لقوامي  
والإخلاص لله لقلبي

1635. Бир хотин бир мўмина аёлдан «Сиз қандай пардоз-андоз қиласиз?» деб сўради. Мўмина аёл шундай деди: «Лабимга ростгўйлик, қўзимга раҳм-шафқат суртаман, овозимга Куръон, қўлимга хайр-эҳсон, қадду қоматимга истиқомат, қалбимга эса Аллоҳга ихлосни ишлатаман».




1636. Таҳажжуд намозидаги энг ажойиб нарса шуки, одамлар жисмининг роҳати учун уйқуда бўладилар, сен эса Аллоҳдан нафсинг, рухинг ва жисмингнинг роҳатини, Роббингнинг розилигини тилаб бедор бўласан!



1637. Кийиминг кир бўлиб қолса, дарҳол алмаштирасан. Қўлинг кир бўлиб қолса, дарҳол ювасан. Шундай экан, номаи аъмолингга гуноҳ тўкилиб, ифлос бўлиб қолса, дарҳол истиффор айтгин!

Аллоҳим, Ўзинг бизларни мағфират қил!

Роббим, сенга истиффор айтиб, Ўзингга тавба қиласман!



1638. Яхшиликни ният қиласвер. Модомики яхши ният қилаётган экансан, демак, яхшиликдасан!

*Axmad ibn Xanbal.*




1639. Намозда бардавом бўл, уни канда қилма. Ахир бу дунёдаги маконингдан чандон гўзал макон сенга мунтазир!




1640. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қай бир хотин эрига бу дунёда озор берса, эрининг жаннатдаги ҳури ъийнлардан бўлган хотини: «Бу кишига озор берма, Аллоҳ ҳалок қилсин сени! У киши сенинг олдингда беш кунлик меҳмонлар, холос. Яқинда сени ташлаб, биз томонга келадилар», дейди».

*Термизий ривоят қилган.*



1641. Маҳкамадаги хукмни бекор қилиш ва оилавий ажрим билан шуғулланиш бўлимида 27 йил қозилик лавозимида ишладим. Талоқ ҳодисаларига сабаб бўлувчи энг кўп омил эркакнинг ноўрин ғазаби ва хотиннинг аҳмоқона жавоби эканини билдим.



1642. Сирларни яшириш:  
 Ўз сирини тили билан ошкор қилиб туриб, ўзидан бошқани маломат қилган кимса аҳмоқdir.

Модомики киши ўз сирини яширишда қалби тор бўлар экан, бу сир омонатга қўйилган кимсанинг қалби ундан ҳам торроқdir.



1643. Куйлар уларни йиғлатади, лекин оят уларнинг қалбини жунбушга келтирмайди.

Аллоҳим! Қулоқларимизни Ўзинг рози бўлмайдиган нарсаларни эшитишдан асра. Аввал эшитганларимизни мағфират қил!



1644. Уч нарса аёлнинг қадрини тушириб юборади: мол-дунёни яхши кўриш, худбинлик ва ҳукмронликни севиш.

Уч нарса аёлнинг қадрини юксакларга кўтаради: фидокорлик, вафодорлик ва гўзал фазилат.



1645. Жума тонги нақадар гўзал!  
Унинг фарзи Аллоҳнинг кафиллигида қиласи.  
Суннати дунё ва ундаги нарсалардан яхши.  
Куръони (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган  
намоздир.  
Кахф сурасини ўқилиши, эса икки жума орасидаги нурдир.



1646. Аллоҳим! Ҳар бир бефарзандга фарзанд бер!  
Ҳар бир bemorga шифо ато эт!  
Ҳар бир маййитга жаннат ато қил!

Хар бир золимни түғри йўлга бошла!  
 Хар бир мазлумга нусрат бер!  
 Хар бир ҳаё ва иффатни хоҳлаган кишига жуфти ҳалол ато қил!  
 Хар бир камчиликка йўл қўйган кишига ўлимидан олдин тавбани ва ўлими пайтида икки шаҳодат калимасини насиб эт!  
 Эй Аллоҳ! Орзу қилганларимизни барчасини ато эт!  
 Барчамизга Фикр хотиржамлигини насиб қил!



1647. Барча нарсани қўлдан бой бериб, йўқотганингни ҳис қилганингда ёдга олгинки, сен ҳали Аллоҳ азза ва жаллани йўқотганинг йўқ!

Аллоҳни эслаб, Уни зикр қил!



1648. Бомдод эгаларига олқишлиар бўлсин!

Улар юзларида нур, қалбларида суур, ўzlари эса гунохлари мағфират қилинган зотлардир!

Аллоҳим! Бизларни ана шулардан қилгин!



1649. Ваъдангда содик бўл. Агар ваъдага вафо қилишга қурбинг етмаса, бирор кишига ваъда бера кўрма!

Кишилар келажак ишларини сен айтган сўз асосида режалаштирадилар.



**1650. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**  
«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганингизда, оч кетиб, тўқ қайтадиган қушдек ризқланган бўлур эдингиз», дедилар».

Имом Термизий ривоят қилган.



1651. Агар ўлимингдан кейинги дунёни кўришни хоҳласанг, ўзингдан бошқалар вафот этганида эътибор бер. Дўстларнинг ўлган биродарларини қандай унугланлари хусусида фикр юритсанг, шунга тўлиқ ишонч ҳосил қиласан: ўлимингдан сўнг дўстларинг ҳам сени унугдилар ёки бу дунё ҳаёти уларни сени эсга олишдан машғул қилиб қўяди.

Демак, сен бутун ҳаётингни ҳеч нарсани унумайдиган Зотга қаратгин. Аллоҳ билан алоқангни чиройли қилгинки, танҳо У Зотгина фоний бўлмайди.

Аянчли сўз, лекин бошқалар билан баҳам кўришга арзигулик ҳақиқат!



1652. «Субҳааналлоҳ», «Алҳамдуиллах», «Лаа илааха иллаллоҳ», «Аллоҳу акбар» ва «Лааа ҳавла ва лаа қуввата илла биллах» сўзлари абадий қолувчи солиҳ амалларданdir.

### معلومة جعلتني أصلى قيام الليل ولو ركعة واحدة

**البيوت التي يُصلي فيها**  
 قيام الليل يشع منها نور براءة أهل السماء ! وكما تنظر  
 إلى السماء ليلاً لترى نور النجوم تنظر الملائكة إلى  
 الأرض لترى نور البيوت التي شوّر بصلاة أهلهَا

والأعجب من ذلك أن الملائكة إذا احتللت على رؤية  
 نور بيتك كل يوم ولم تصل قيام الليل يوماً تسأله عنك  
 لأنها رأت بيتك مظلماً فتقول لهم إنك لم تقم لأنك  
 مريض أو مهموم أو غير ذلك فتببدأ الملائكة بالدعاء  
 لك بالشفاء أو تغريح لهم والدعاء لك حسب حاجتك ؛  
 شوقاً لرؤيه نور بيتك المضاء بسبت صلاتك ..

1653. Ушбу маълумот мени тунда бир ракъат бўлса ҳам таҳажжуд ўқишига ундади.

Тунги намоз ўқиладиган уйда нур пайдо бўлади. Уни осмон аҳли кўради. Биз тунда осмонга қараганимизда, юлдузлар ёруғлигини кўрганимиздек, осмон аҳли ердаги нурнинг намоз ўқувчининг уйидан тараляётганини кўради.

Ундан ҳам ажабланарлиси шуки, ҳар куни уйингдаги нурни кўришига одатланган фаришталар тунги намоз ўқимаган кунинг сени сўраб-суриширадилар, чунки улар уйингда зулматни кўрадилар. Уларга сенинг bemorliging ёки ғамга ботиб қолганинг айтилади. Фаришталар сенга шифо ва ғамдан халос бўлишингни сўрайдилар ёки эҳтиёжингга қараб дуо қиласидилар. Чунки улар сенинг намозинг сабабли нур тараляётган уйингни кўришни истайдилар.



1654. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мерожга чиққанимда мисдан бўлган тирноқлар билан юзларию кўксиларини тирнаётган бир қавмнинг олдидан ўтдим. Мен:

«Эй Жаброил, улар ким?» деб сўрадим.

«Булар у дунёда одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкканлар», деб жавоб берди».

*Абу Довуд ривоят қилган.*



1655. Солих салафлардан бирлари айтади:

«Ражаб ойи шамол кабидир.

Шаъбон ойи булут кабидир.

Рамазон ойи ёмғир кабидир.

Ражаб ойида экин экиб, урuf сепмаган, шаъбон ойида суформаган одам қандай қилиб Рамазон ойида ҳосилни йифиштириб олишни хоҳлайди?»



1656. «Ким бир ёмонлик қилса ёки ўзига зулм этса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳниң ўта мағфиратли, ўта раҳмли эканини топадир» (*Niso surasi, 110-оят*).



1657. Дуо қилганингда хотиржам ва унинг ижобат бўлишига ишонган ҳолда Аллоҳдан сўрагин. Аллоҳ сенга кафил бўлиб, Ўзи кифоя қилур. Сен шунга ишон!



1658. Шикастланганингда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким раҳм қилмаслигига ишон!

Мағлуб бўлганингда Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ёрдам бера олмас!

Мағлубият қархисида Аллоҳнинг ёрдамисиз ҳеч кимни енга олмассан!


Аллоҳга таяниш ила кучли бўл!



1659. Кимга кўп дуо қилиш насиб этилган бўлса, ижобат ва қабул яқинлиги билан хурсанд бўлаверсин. Ким ҳожатларини

Роббига юкласа, фазл ва савобга эга бўлажаги билан хотиржам бўлаверсин.

Эй Робб! Афвинг, розилигинг ва жаннатингни сўраймиз!



1660. Бир кишини чин дилдан яхши кўрсанг ва унинг иши сен учун қизиқарли бўлса, унга қўйидаги дуони аташинг энг яхши совғадир:

«Аллоҳим! Унга тақво либосини кийдир, унинг учун аҳамиятли бўлган нарсани ато қил, уни тоатинг билан баҳтиёр қил, кенг карамингдан ризқлантир, ҳар бир ёмонликдан муҳофаза қил, ғамини арит, қалбини баҳтиёр айла, фикрини роҳатда қил, ўзини, ота-онаси ва фарзандларини мағфират қил, эй Ҳурмат ва Улуғлик эгаси!



1661. Аллоҳим! Хотимамизни гўзал қил!



1662. Бу аёл мунчалар ажойиб!

Бир аёлдан: «Гўё бу дунёда сендан гўзал аёл йўқдек, нима учун эринг сени бу қадар яхши кўради? Ахир дунёда сендан ҳам гўзал аёллар бор-ку?» деб сўрашди. У шундай деди: «Тўғри, ақлни лол қолдирап даражада бетакрор гўзал бўлмаслигим мумкин. Лекин эримнинг озорини кечираман, маъюс кириб келса, қулоқ соламан, дардига малҳам бўламан, кўп берса мақтайман, оз берса қаноат қиласман. Буни менга Роббим ўргатган. Мехрибонликни канда

қилмайман, итоатдан бўйин товламайман. Тикон терсам ҳам, атиргул экавераман».



1663. Солиҳа аёлга уйлан: берганингга қаноат қиласи, ҳаққингга хайри дуо қиласи, жаннат томон етаклайди.



1664. Одамлардан етадиган азобу мешаққатдан ҳузурланай десанг, «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқи!



1665. Амр ибн Ос шундай деган эканлар:  
«Бирортангиз жаҳаннамнинг ҳақиқатини билганида эди, овози чиқмай қолгунча бақириб, бели сингунича намоз ўқиган бўлар эди».  
*(Ибн Муборакнинг «Заваидуз зухд» китобидан).*



1666. Муаммога йўлиқсанг, фикрингни тутқичга эмас, калитларга қарат.

**الاستغفار نعمة من  
الغفار من داوم عليها  
وجد أثرها في نفسه ..  
وماله وولده وجميع شأنه  
اللهم اجعلنا من  
يذكرك كثيرا  
ويستغرك كثيرا.**

1667. Истиғфор – Faффор сифатли Зотнинг неъматидир. Ким унда бардавом бўлса, таъсирини жонида, молида, фарзандларида ва барча ҳолатида қўради.

Аллоҳим! Сени кўп зикр қиласиганлардан, Сенга кўп истиғфор айтадиганлардан қилгин!



1668. Аёл нақадар улуг зот:  
 Ўзи жароҳатланган бўлса ҳам даволайди;  
 Ўзи ғамгин бўлса ҳам тасалли беради;  
 Ўзи чарчаган бўлса ҳам бедор бўлади;  
 Танимаган одамига ҳам ҳамдард бўлаверади...  
**Аёлларга мулойим бўлинглар!**



1669. Эй розилиги тез Зот!  
Дуодан бошқа чораси йўқларни мағфират қил, ё Аллоҳ!



1670. Роббимнинг тоатида йўл қўйган камчилигимдан бошқа нарса кўз ёш тўкишимга арзимайди!



1671. Банда гуноҳда бардавом бўлса, бу гуноҳлар унинг наздида арзимас нарсага айланиб, кичрайиб бораверади. Бу эса ҳалокатнинг белгисидир, чунки гуноҳ банданинг наздида кичрайган сари, Аллоҳ наздида каттариб бораверади.

قال الإمام مالك :

"من أحب أن تفتح له فُرْجَةٌ في قلبه،  
فليكن عمله في السر أَفْضَلُ مِنْهُ فِي الْعُلَانِيَّةِ"



1672. Имом Молик шундай деган экан:  
«Қалбида бир дарча очилишини истаган одам амалини ошкора эмас, махфий қилгани афзал».



1673. Саккиз хил аёл ҳеч қачон фазилатли бўла олмайди:

1. Эрига хиёнат қиласиган аёл
2. Икки дўстнинг ёки ака-уканинг орасини бузадиган аёл
3. Эри билан қайнонасининг орасини бузадиган аёл
4. Эркак кишини моддий мақсадларини рўёбга чиқариш воситаси деб қарайдиган аёл
5. Ажрашган эрига тухмат қиласиган аёл
6. Эрининг ишончига кириб олиб, сўнг унинг мол-мулкини исроф қиласиган аёл
7. Ўзидаги адватни фарзандларига ҳам сингдирадиган аёл
8. Эрининг камбағаллигини юзига солиб, қалбини синдирадиган аёл

Аллоҳим, бундай аёллардан Ўзинг сақла!



### 1674. «Сирлар фош бўладиган Кунда» (Ториқ сураси, 9-оят)

У Кунда ҳар бир инсоннинг яширган сирлари ошкор бўлиб, махфий сирлари фош бўлади. Нақадар даҳшатли Кун!



1675. Биродарининг бирор гунохини айبلاغан банда ўша гуноҳга албатта гирифтор бўлади. Бирордан ёмонлик кўрсанг, ичингда «Аллоҳ бизнинг ҳам, унинг ҳам гуноҳларимизни мағфират қилсин» дегин.



1676. Оила бир пайтлар тинчлик, хотиржамлик манбай эди, энди эса обрў-эътибор (престиж) воситаси бўлиб қолди...

Дўстлик бир пайтлар хазина эди, энди эса манфаат бўлиб қолди...

Кариндошлар бир пайтлар таянч, тиргак эди, энди эса улар душман бўлиб қолишиди...

Аммо биргина инсон вақт ўтса ҳам ўзгармай, ўз ҳолича қолиб келмоқда. Бу инсон – онадир!

У аввал ҳам меҳрибон, раҳмдил эди, иншааллоҳ, доимо шу мақомда қолажак!

Аллоҳим, барча оналарни ҳифзу-химоянгда асра!



1677. Кимдир сени тақводор деб билса, кимдир гуноҳкор деб билади. Кимдир сени ёмон деб билади, кимдир ундей, яна кимдир бундай деб билади. Лекин сен ўзингнинг кимлигингни бошқалардан кўра яхшироқ биласан!

Сендан бошқа ҳеч ким билмайдиган ягона сир бор. Бу – Роббинг билан бўлган алоқангдир!

Бирорларнинг мақтовига ғуурурланма, хақоратига озорланма!

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Аммо инсон ўз зарарига гувоҳлик бергувчиdir!**» деган (*Қиёмат сураси, 14-оят*).



1678. Ташвишланганингда Аллоҳга яхши гумон қил!  
Хотиржамлигингда Аллоҳни зикр қил!  
Қайғуга ботганингда Аллоҳнинг раҳматига ишон!  
Хар қандай ҳолатда Аллоҳга истиғфор айт!  
Зеро, У Зот Кузатувчи, Ижобат қилувчидир!  
**«Астагфируллоҳ ъазийм ва атуубу илайх»**



1679. Энг яхши кун гуноҳсиз ўтган кунингдир!  
Энг яхши совға ўзинг билмаган ҳолингда сенинг ҳаққинга дуо  
учун кўтарилигдан қўлдир!

Энг яхши қалб ростгўйлик аримайдиган қалбdir!

Энг яхши одам сени ҳаргиз унутмайдиган одамdir, чунки у сени Аллоҳ учун яхши кўради.



1680. Аллоҳ учун бел букиш қалбнинг эгрилигини тўғриловчи машғулотdir.



1681. Сенга зулм қилган кишини кечирмасанг, охиратда унинг яхшиликларини қўлга киритасан. Лекин кечириб юборсанг, ажрингни Аллоҳ таолодан оласан!

Қай бири улканроқ?

Аллоҳ таоло «**Ким афв этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир**», деган (*Шуро сураси, 40-оят*).



1682. Хар куни эрталаб уйғониб, юзингни ювасан. Аммо кимлардир уйғониб, буйрагини ювдиради.

**«Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, санаб адoғига ета олмайсиз» (Иброҳим сураси, 34-оят).**

Аллоҳга ҳамд айтинг!



1683. Узр айтганинг сен хатокор, бошқалар түғри дегани эмас. Балки бу бирорларга бўлган муносабатни шахсий ҳаётингдан кўра юқорироқ қадрлашингни англаади.



1684. Бир ўйлаб кўринг:

- Жамоат намози қўшниларни жам қилади;
  - Жума намози маҳалла аҳлини жам қилади!
  - Ҳайит намози шаҳар аҳлини жам қилади!
  - Ҳажж ибодати бутун дунё мусулмонларини жам қилади!
- Бу дин нақадар буюк!**

Ислом неъматини бергани учун Аллохга ҳамду сано айт!



1685. Сиқиламан, эзиламан, аммо...

- меҳрли алоқа тақдирга битилмагани учун эмас;
- дунёга машғуллик дўстларимни мендан узоқлаштиргани учун эмас;
- биродарлар мени ёлғиз ташлаб кетгани учун эмас;

– ғам-ғусса юки оғирлик қилгани учун ҳам эмас!

Йўқ!

– Аллоҳдан қўрқиб йиғлаш лаззати йўқ бўлгани учун;

– намозда хузуъ ва хушуъ қилишга қурбим етмагани учун;

– мусибат пайтида дуони унтиб қўйганим учун;

– бир неча кунлар Аллоҳнинг китобидан узрсиз йироқлашганим учун **ЭЗИЛАМАН**...

Роббимнинг тоатида камчиликларга йўл қўйганим учун **ЭЗИЛАМАН**...

Аллоҳим, бу ғамларимни бартараф қилиб, ҳидоятга бошлишингдан умидворман!

شاب مات : فقام أصدقائه ببناء مسجد له !!

وشاب مات : فحفر له أصدقائه بئرا !

وثالثاً : وضعوا له أصدقائه عدة برادات ماء !!

واخر : يتصدق عنده صديقه شهرياً !!

واخر : يستيقظ في الليل ليدعوا الله أن يغفر لصديقة الراحل !!

هذه ثمرة الصحبة الصالحة

فيارب أرزقني من يذكرني بعد موتي

1686. Бир йигит вафот қилди. Дўстлари унинг номидан масжид куришиди...

Бир йигит вафот қилди. Дўстлари унинг номидан қудук қазишиди...

Яна бир йигит вафот қилди. Дўстлари унинг номидан (кўчага) сув совуткич ўрнатишиди...

Уларнинг бири ҳар ой дўстининг номидан садақа қилар эди...

Яна бири кечаси уйғониб, вафот қилган дўстининг хаққига дуо қилар эди...

Мана шу ҳақиқий дўстликнинг мевасидир!

Роббим, ўлимимдан кейин мени эслайдиган дўстлар ато қил!



1687. Бир ҳаким зотдан одамлар ҳақида, яхшиликлар түғрисида сүрадим. У зот шундай деди:

«Яхшилик борасида одамлар түрт хил бўлади:

- уни биринчи бўлиб қиласиганлар
  - уни бировга эргашиб қиласиганлар
  - маҳрум бўлгани учун уни тарк қиласиганлар
  - мақташлари учун тарк этадиганлар.
- 
- уни биринчи бўлиб қиласиганлар олийжаноб зотлардир.
  - уни бировга эргашиб қиласиганлар оғизларда достондир.
  - маҳрум бўлгани учун уни тарк қиласиганлар баҳтиқаролардир.
  - мақташлари учун тарк этадиганлар аҳмоқлардир...»



1688. Чаён чақса ҳам дўстининг уйқусини бузмаслик учун тиззасини қимирлатмай, уйқусидан уйғотмаган Абу Бакр Сиддиқдек дўстлар ҳозир ҳам борми? Оғриқ кучайиб, кўзидан ёш тўкилмагунча Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлган воқеани билмаганлар.



1689. Аллоҳнинг балосига гўзал сабр қилиш шарти билан, мاشақкатлар ортидан мукофотлар келади.




1690. Отадан мактуб:

Ўғлим, қизим! Амалларим тўхтади. Энди умидим сизлардан. Номимдан қилган садақаларингиз қабримда менга ҳамроҳ бўлади. Ҳаққимга қилган дуоларингиз мени Роббимга яқинлаштиради. Мени садақаларингиз, дуоларингиздан маҳрум қилманглар!



1691. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Намозхоннинг олдидан ўтмоқчи бўлган одам бунинг нималигини (қанчалик гуноҳлигини) билганида эди, унинг олдидан ўтгандан кўра қирқ (йил, ой, кун) фурсат кутиб туришни афзалроқ кўрган бўларди» (*Муттафақун алайҳ*).**

Ровий: «**Қирқ кун**» дедиларми, «**оий**ми, ё «**йил**»ми, билолмадим», деган.



1692. Мунажжимларнинг буржларга қараб қиласиган «башорат»ларидан ҳазир бўлинг!

Аллоҳ таоло: «**У Зот ғайбни билади, аммо Ўз ғайбидан ҳеч кимни хабардор қилмайди**», деган (*Жин сураси, 26-оят*).

Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай деганлар:  
**«Ким аррофга\* бориб, ундан бирор нарса ҳақида сўраса, қирқ кунгача намози қабул бўлмайди».**

\* Арроф – фолбин ва шунга ўхшаш ғайбни билишни даъво қилувчилар.




1693. Тунги намознинг фойдалари:

1. Юзинг нурли бўлади.
  2. Ризқинг зиёда бўлади.
  3. Кам амал билан улкан савобга эришасан.
  4. Ёмонликларни ўчириб, гуноҳдан тўсади.
  5. Илоҳий файзга эришувчилардан бўл!
- Тунги намознинг фойдалари қандай қўлга киритилади?
1. Овқат ва уйқуни камайтириш.
  2. Кундузи нафсни фойдасиз нарсалар билан чарчатиб қўймаслик.
  3. Кундузи қайлула қилиб олиш (бироз ухлаб олиш).



1694. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

**«Ёшлардан илм олиниши Киёматнинг аломатлариданир».**



1695. Роббим охиратда менга раҳм қилсин деб бу дунёда истиғфор айтишинг ҳақиқий баҳту саодатдир.

**«Астагфируллоҳал ъазийм ва атуубу илайҳ»**



1696. Жаннат – мұхаббатдир, дүстлар бир-бирини қучоклаңа күришадиган, анхорлари, қушлари, қасрлари ва яхшиликлари бор макондир. Биз у ерни күрмаганмиз, эшитмаганмиз. Чинакам фаровонлик мана шудир, у ерда баҳтсизлик ва машаққат йўқ, балки мусаффо ҳаёт ҳамда қалб розилиги бордир.

Аллоҳим, бизга жаннатингни насиб қил!



1697. Ҳақиқий маҳрум ким?

Күпчилик мол-дунёси кам, машинаси йўқ, ҳашаматли уйлари йўқларни маҳрумлар деб ўйлади. Лекин аслида ундей эмас.

– Робби азза ва жаллага муножот қилишдан маҳрум бўлганлар ҳақиқий маҳрумлардир.

– Намозини ўз вақтида, жамоат билан ўқимаганлар ҳақиқий маҳрумлардир.

- Қаттиқ совукда бомдодни ўқиши учун уйғона олмаганлар ҳақиқий маҳрумлардир.
- Ота-онага яхшилик қилишдан, уларга итоат қилишдан, уларга дуо йўллашдан маҳрум бўлганлар ҳақиқий маҳрумлардир.
- Аллоҳ азза ва жалладан қўрқиб кўз ёш тўкишдан маҳрум бўлганлар ҳақиқий маҳрумлардир.
- Куръонни ўқиб, уни тадаббур қилишдан маҳрум бўлганлар ҳақиқий маҳрумлардир.
- Тунги намозга туриб, Роббининг ҳузурида йиғлашдан маҳрум бўлганлар ҳақиқий маҳрумлардир.
- Жаннатдан узоклаштирилиб, дўзахга улоқтирилганлар ҳақиқий маҳрумлардир.



1698. Бир фикрлаб кўринг!  
Нима учун Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломни зиндандан чиқарганда унинг эшигини сугуриб оладиган бўрон юбормади?  
Нима учун зинданнинг деворларига ёрилиб кетишни буюрмади?  
Аксинча, сокин бир кечада ухлаётган подшоҳнинг хаёлига бир тушни аста-секин киритди.  
Шундай экан, Роббингга ишон!




1699. Шаъбий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:
- «Уламолар билан бирга ўтиринглар, чунки:
- ҳолингиз яхши бўлса, сизларни мақташади.
  - ҳолингиз ёмон бўлса, уни изоҳлаб, хатоингизни кечиришади.
  - хато қилсангиз, қўполлик қилишмайди.
  - тушунмасангиз, ўргатишади.
  - уларнинг ҳузурида бўлсангиз, сизга манфаат беришади».



1700. Фотимадан бошқа барча фарзандлари вафот қилса ҳам, қалбларига энг маҳбуб завжалари вафот қилса ҳам, ёшлиқдан ота-онадан етим қолсалар ҳам, энг яқин қадрдонлари – амакилари Абу Толиб, Жаъфар ва Ҳамзалар ҳалок бўлса ҳам, доимо мусулмонларнинг, камбағалларнинг ташвиши билан машғул бўлсалар ҳам, душманлар билан тўқнашувларда қатнашсалар ҳам, ўлим ва охират азобини билсалар ҳам – мана шуларнинг барчасига қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни фақат табассум қилган ҳолда кўришар эди. У зотнинг табассум қилганларини кўрган одам «У зотга энг маҳбуб киши мен бўлсан керак», деб ўйлаб қолар эди...



1701. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:  
 «Тилга енгил, лекин тарозида оғир, Раҳмонга маҳбуб икки  
 калима бор: «Субҳааналлоҳи ва биҳамдих, субҳааналлоҳил  
 ъазийм» (Аллоҳни ҳамди билан поклайман, улуг Аллоҳни поклайман).  
*Имом Бухорий ва Муслим ривояти.*



1702. Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Аллоҳ таолога энг маҳбуб қаломни айтайми? Аллоҳ таоло учун қаломларнинг энг яхшиси «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи» дейишингдир», дедилар».

*Бошқа ривоятда айтилади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Қайси қалом афзal?» деб сўрашди. У зот: «Аллоҳ фаришталари ёки бандалари айтишини ихтиёр қилган «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳ» калимасидир», дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*



1703. Киши ваъз-насиҳатни кўп эшитиш билан саботли, матонатли бўлиб қолмайди, балки ўша ваъз-насиҳатга амал қилиш билан матонатли бўлади.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Улар ўзларига қилинган ваъз-насиҳатларга амал қилганларида ўзларига яхши бўлар, саботлари мустаҳкам бўлар эди**», деган (*Niso surasi, 66-оят*).



1704. Солиҳлардан бирига: «Куръондан кунига қанча (оят) ўқийлик?» дейишиди. У зот: «Қанча баҳт-саодат хоҳласанг, шунча», деди.



1705. Бир иш қилмоқчи бўлсанг, таваккулни қайиқ қилиб ол!

Кунларнинг бирида замон сенга исён қилса, Аллоҳдан ишларни осон қилишни сўра!

Ризқинг камайса ҳам, асло бесабрлик қилма, бургутлар орасида чумчукқа ҳам ризқ берилган!

Билиб кўйки, Аллоҳ кўз кўрган нарсадан ҳам, қалб яширган нарсадан ҳам хабардордир!

Модомикитирик экансан, шукр қилувчи банда бўл!

Билиб кўй, бу дунё айланиб турувчи чархпалакдир...



1706. Самура ибн Жундуб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло учун энг яхши каломлар тўрттадир: «Субҳааналлоҳи; валҳамду лиллаҳ; ва лаа илааҳа иллаллоҳ; валлоҳу ақбар». Қайси биридан бошласанг ҳам зарари йўқ».

*Имом Муслим ривояти.*



1707. Абу Молик Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамду лиллаҳ» калимаси тарозини тўлдиради. «Субҳааналлоҳи валҳамду лиллаҳ» еру осмонни тўлдиради».

*Имом Муслим ривояти.*



1708. Дунё кўзингга тор кўриниб қолса, уни «Астағириуллоҳ» билан кенгайтир!



1709. Энг қийин айрилиқ – иймон рухияти жасадингдан ажралиб, ибодатинг қуруқ ҳаракатнинг ўзи бўлиб қолишидир!



1710. Суфён ас-Саврий айтади:

«Лаа илааха иллаллоҳ» сўзидан кўра ибليسнинг белини синдирувчи нарса йўқдир. «Алҳамдулиллаҳ» сўзидан кўра савобларни зиёда қиласиган нарса йўқдир».



1711. Мўминларнинг онаси Жувайрия розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эрталаб субҳ намози пайтида унинг хузуридан чиқиб кетдилар. У намоз ўқийдиган хонасида эдим. У зот зухо намозини ўқиб бўлиб, қайтиб келсалар, Жувайрия онамиз ҳали ҳам ўтирган эканлар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Чиқиб кетганимдан бери шу

холатда ўтирибсанми?» деб сўрадилар. Онамиз розияллоҳу анҳо «Ҳа», деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Мен сендан кейин тўртта калимани уч мартадан айтдим, агар улар тарозида ўлчанса, сен бугун айтган нарсалардан оғир келади: «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи ъадада холқиҳи, ва ризо нафсиҳи, ва зината ъаршиҳи, ва мидада калиматиҳи (Яратганларининг ададича, нафси рози бўлгунича, арининг вазнича, калималарининг узунлигича Аллоҳга ҳамд айтаман ва Уни поклайман)».

*Имом Муслим ривояти. Бошқа бир ривоятда:*

**«Субҳааналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳааналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳааналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳааналлоҳи мидада калиматиҳи», дейилган.**

*(Махлукотларининг ададича Аллоҳни поклайман, нафси рози бўлгунча Аллоҳни поклайман, арининг оғирлигича Аллоҳни поклайман, калималарининг узунлигича Аллоҳни поклайман.)*



1712. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисларнинг лафзи қуйидагicha:

**«Субҳааналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳааналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳааналлоҳи ъадада холқиҳи, субҳааналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳааналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳааналлоҳи ризо нафсиҳи, субҳааналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳааналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳааналлоҳи зината ъаршиҳи, субҳааналлоҳи мидада калиматиҳи, субҳааналлоҳи мидада калиматиҳи, субҳааналлоҳи мидада калиматиҳи».**

(Махлукотларининг ададича Аллоҳни поклайман, нафси рози бўлгунча Аллоҳни поклайман, аршининг оғирлигича Аллоҳни поклайман, калималарининг узунлигича Аллоҳни поклайман, ҳар бири уч мартадан)



1713. Бир киши дўстидан: «Нима учун бомдодда ҳаво мусаффо бўлади?» деб сўради. У: «Чунки бомдод пайти мунофиқларнинг нафасидан холи бўлади», деб жавоб берди.



1714. Розилик билан ҳаёт зийнатланади!  
Табассум билан муаммолар енгиллашади!  
Истиғфор билан эҳтиёжлар қондирилади!  
Дуо билан мушкуллар осон бўлади!



1715. Аллоҳнинг китоби билан холи қолиб, унга ўзини намойиш қиладиган; нафсига мувофиқ келса, Роббига ҳамд айтиб, фазлидан зиёда беришини сўрайдиган; Куръон оятлари нафсига мухолиф бўлса, нафсини айблайдиган, тавба қиладиган ва яқин фурсатларда Ўзи томон қайтадиган кишига Аллоҳ раҳм қилсин!



1716. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Субҳааналлоҳ,  
валҳамду лиллаах, ва лаа илааҳа اillalaahу واللہ اکبر»  
дэйишим мен учун қуёш чиқиб, нур сочганидан яхшироқдир»,  
дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*



1717. Абу Айюб Анзорий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:  
**«Ким ўн марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу вахдаҳ, лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд, ва хува ъалаа кулли шай`ин қодиyr»** (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У ёлғиз, Унинг шериги ҳам йўқ, бутун мулк Уники, ҳамд ҳам Унга хос ва У ҳар бир нарсага қодирdir) деб айтса, Бану Исмоилдан тўрт кишини озод қилгандек бўлади».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.



1718. Оятул Курсийни ўқийсизми?

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ҳар бир фарз намоздан кейин Оятул Курсийни ўқиса, уни жаннатга киришдан фақат ўлим тўсиб турди, холос», дедилар.

*Nасайи ривояти.*



1719. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Эй аёллар жамоаси! Садақа қилинглар, истиғфорни кўпроқ айтинглар. Зеро мен дўзах ахлиниңг аксарияти сизлар эканингизни кўрдим», дедилар. Улардан бир гапга уста аёл: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга не бўлдики, дўзах ахлиниңг аксарияти эканмиз?» деди.

**«Кўп лаънат айтасиз, эрга ношукр бўласиз. Сизчалик ақлда ва динда ожизларнинг ақл эгалари устидан ғолиб бўлишини кўрмадим», дедилар.**

Аёл: «Эй Аллоҳнинг Расули, ақл ва диндаги ожизлик нима?» деди.

**«Ақлдаги ожизлик шуки, икки аёлниңг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тўғри келади. Бу ақлдаги ожизликдир. Аёл киши бир неча кунларни намоз ўқимай ўтказади ва Рамазонда рўза тутмайди. Бу диндаги ожизликдир», дедилар».**



1720. Роҳат-фароғат мол-дунё япроқларининг ёки дарахт баргларининг орасига яширилмаган. Роҳат-фароғат ёмғир томчилари билан бирга ёғмайди ёки қуёш нурлари билан таралмайди. Ҳақиқий роҳат-фароғат қалбдан, Аллоҳга бўлган иймондан отилиб чиқади.




1721. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, «Менга бир калом ўргатинг, айтиб юрай», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Лаа илааҳа اَللّٰهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، اَللّٰهُ اَكْبَرُ كَبِيرًا وَالْحَمْدُ لِلَّهِ كَبِيرًا وَسُبْحَانَ اللَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الحكيم».

**хавла ва лаа қуввата илла биллаахил ъазийзил ҳакиим»** (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Уяккаю ёлгиздир. Унинг шериги ҳам йўқ. Аллоҳ жуда буюк, Аллоҳга чексиз ҳамд бўлсин, оламларнинг Робби Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир, Ҳаким, Азиз Аллоҳдан ўзгада ўзгартиши ҳам, қувват ҳам йўқ) деб айт» деб ўргатдилар.

*Имом Муслим ривояти.*



1722. Бир аъробий: «Эй Аллоҳнинг Расули, юқоридаги айтганларингиз Роббим учун эди. Мен учун-чи?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Аллоҳуммағfir лий, варҳамний, вахдиний, варзуқний**» (Аллоҳум, мени мағфират қил, менга раҳм айла, мени ҳидоят қил, мени ризқлантири) дегин».

*Имом Муслим ривояти.*

لا تقل **hi** بل قل السلام عليكم و رحمة الله وبركاته  
 لا تقل **of** بل قل لا حول و لا قوة إلا بالله  
 لا تقل **merci** بل قل جزاك الله خيرا  
 لا تقل **waw** بل قل ما شاء الله  
 لا تقل **bye** بل قل في أمان الله  
 لا تقل **ok** بل قل إن شاء الله  
 لعد إلى أصلنا و نفتخر يا سلامنا

1723. «Ні» эмас, «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу» дегин (*сизларга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин*);

- «of» эмас, «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ» дегин (*Аллоҳдан ўзгада ўзгартириши ҳам, қуввати ҳам йўқ*);
  - «merci» эмас, «Жазаакаллоҳу хойрон» дегин (*Аллоҳ сизни яхшилик билан мукофотласин*);
  - «waw» эмас, «Маа шаа Аллоҳ» дегин (*Аллоҳнинг иродаси*);
  - «bye» эмас, «Фии амааниллаах» дегин (*Аллоҳга омонат*);
  - «ok» эмас, «Иншааллоҳ» дегин (*Аллоҳ хоҳласа*).
- Аслимизга қайтиб, Исломимиз билан фаҳрланайлик!




1724. Аёлларнинг энг гўзали – тили қисқа, сукути узунидир!

- Аёлларнинг энг латофатлиси – сабрида маҳоратли, ўзгаларни баҳтиёр қилувчисидир!
- Аёлларнинг энг нодони – юзи гўзал, аммо амали қабиҳидир!



1725. Қуръонни ёд олиб, тиловат қилиб, тадаббур қилган ҳолда у билан яшагин, чунки бу ғам-ташвишни аритувчи энг улкан муолажадир!



1726. Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Жаннат хазиналаридан бирини сенга айтами?» дедилар. «Ҳа, айтинг, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ»ни айтиб юр, у жанинатнинг хазиналаридандир», дедилар».

*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти.*



1727. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир аёлнинг ҳузурига кирдилар. Унинг олдида данак (ёки майда) тошлар бор эди. Аёл ана шуларни санаб, тасбих айтарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Бундан енгилроқ, лекин ундан афзалроқ нарсани айтайми? «Субҳааналлоҳи ъадада маа холақо фис-самааи, ва субҳааналлоҳи ъадада маа холақо фил-арди, ва субҳааналлоҳи ъадада маа байна заалика, ва субҳааналлоҳи ъадада маа хува холиқ» (Осмонда яратган нарсалари ададича Аллоҳни поклайман, ерда яратган нарсалари ададича Аллоҳни поклайман, бу иккисининг орасидаги нарсалар ададича Аллоҳни поклайман ва У яратадиган нарсалар ададича Аллоҳни поклайман) деб айт», дедилар.

*Имом Термизий ва Абу Довуд ривояти.*

«Аллоҳу акбар», «Алҳамду лилаах», «Лаа илааха иллаллоҳ», «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаах» калималарини ҳам худди «Субҳааналлоҳ»ни айтгандек айтади («Аллоҳу акбару ъадада маа холақо фис-самааи, ва Аллоҳу акбару ъадада маа холақо фил-арди...»)



1728. Кимнинг қалби Аллоҳ мұхаббати ила кенгайса, одамларнинг қалби ҳам унга нисбатан мұхаббат ила кенгаяди (*Аллоҳни севган кишини барча инсонлар яхши күриб қолади*).



1729. Аллоҳим! Қалбимдагиларни Ўзинг биласан. У Сенинг ҳузурингда. Уни қандай хохласанг, шундай ўзgartириб турасан. Агар қалбимда ғазабингни келтирадиган бирор нарса бўлса, ўша нарсадан поклагин. Уни ихлосли, покиза ва қарамли Юзингга мұхаббатли қалблардан қилгин!



1730. Қалбнинг энг гўзал васфи шудир:


Қалби Аллоҳ ва Унинг Расулиниңг муҳаббатига, одамларга яхшилик қилиш муҳаббатига тўлган, ҳадя улашувчи, камтар, бағрикенг, қаноатли, тақводор, иймонли ва сабрли инсон!



1731. Абу Сайд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким «Розийту биллаахи роббан, ва бил ислаами дийнан, ва би Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама росуула»** (Аллоҳни Робб деб, Исломни дин деб, Муҳаммад алайҳиссаломни расул деб рози бўлдим) деса, унга жаннат вожиб бўлади», дедилар.

*Абу Довуд ривояти.*



1732. Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Истро кечаси Иброҳим алайхиссаломга йўлиқдим. У зот: «Эй Мухаммад, умматингизга мендан салом айтинг ва уларга жаннатнинг тупроғи пок, суви ширин, ўзи текис, ўсимлиги эса «Субҳааналлоҳ, валҳамдуилилаҳ, ва лаа илааҳа иллаллоҳ, валлоҳу акбар» эканини хабар беринг», дедилар».

*Имом Термизий ривояти.*



1733. Бугунги кунинг тугади. Сен ҳеч кимингни йўқотмадинг. Кимнингдир бугуни тугади, кимдир онасини йўқотди, яна кимдир оёғини йўқотди, кимлардир умрини йўқотди. Бинобарин, ҳеч нарса йўқотмаганинг учун шукр қилишинг даркор!

Алҳамдулилах!



1734. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан бир йил ўтгач, Билол Мадинада аzon айтди. Азоннинг «Ашҳаду анна Мухаммадан Росулуллоҳ» деган жойига келгач, шундай йифладики, йиғиси Мадинани шовқин-суронга тўлдириб юборди!

Мұхабbat күз ёшларини ўғирлаган эди.


Улар Мұхаммад алайҳиссаломга, у зотнинг гўзал хулқлари ва васфларига ошиқ бўлганлар эди...

У зотга салавот ва салом йўлланглар!

Соллаллоҳу алайҳи васаллам!




1735. Сабри жамил, яъни гўзал сабр – шикоят аралашмайдиган сабрдир.



1736. Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Кимки «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи» деса, унинг учун жаннатда бир хурмо экиласди», дедилар.

*Термизий ривояти.*



1737. Абу Зарр розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси қалом Аллоҳ таолога маҳбуброқ?» деб сўрадилар. У зот: «Аллоҳ фаришталарига ихтиёр қилган «Субҳаана Робби ва биҳамдих, субҳаана Робби ва биҳамдих» дейиши», дедилар».

*Термизий ривояти.*


عندما لا تبالي ولا تعطي اهتماما لضوابط  
الإسلام فيما تنشره في الفيس بوك .. كأن  
تنشر صور النساء ومقاطع الغناء .. تنشرها  
وكانها منشورات عابرة لا اثم عليها ،، في  
هذه الحالة اعلم - هداك الله - :

**أنك أحد نواب إبليس في  
ف اتق الله تعالى واترك عليك هذا العبث ...**

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
Rassoul Allaah

1738. Фейсбукка қўяётган нарсаларинг исломий тартиб-коидаларга тўғри келмайди. Лекин билиб қўй, сен бу ишда ҳеч қандай гуноҳ йўқдек, аёлларнинг суратларини, енгил-елпи куй-кўшикларни bemalol тарқатиб, иблис ва шайтоннинг фейсбуқдаги ўринбосарларидан бирига айланиб қоляпсан!

Аллоҳ сени хидоятга бошласин!  
Аллоҳдан қўрқ! Бехуда нарсаларни тарк қил!




هناك بلاء بالخير وبلاء بالشر ،  
والبلاء كلمة لا تخيف ، أما  
الذى يخيف هو نتيجة هذا البلاء  
لأن البلاء هو امتحان أو ،  
اختبار ان أديته ونجحت فيه  
كان خيرا لك وأن لم تؤده كان  
وبالا عليك

فضيلة الشيخ محمد  
متولي الشعراوي

1739. Яхшилик ҳамда ёмонлик билан балоланиш деган гаплар бор! Сен «бало» деган сўздан эмас, унинг натижасидан қўрқин, чунки бало ё имтиҳон, ё синов бўлади. Сен уни чиройли адо қилиб, муваффакият қозонсанг, (яъни бало келганда бесабрлик қилиб, ҳаром ишларга қўл урмасанг) ўзинг учун яхши. Агар адо қила олмасанг, бу сен учун бало ва офат бўлади!



1740. Ҳис-туйғуларингни исроф қилаверма, ўзинг билмаган ҳолда қадр-қимматингни тўкиб қўясан!



1741. Ҳузайфа ибн Ямон ва Абу Зарр розияллоху анҳумонинг ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўшакларида ётганларида **«Бисмикаллоҳумма аҳйа ва амууту»** (*Сенинг исминг билан тириламан ва ўламан, Аллоҳим*) дер эдилар.



1742. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғонгандарида **«Алҳамдуиллааҳилلазии аҳйаанаа баъда маа амаатанаа, ва илайҳин нушуур»** (бизни ўлдиргандан кейин тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин, қайтиши ҳам Унгадир) дер эдилар.

*И мом Бухорий ривояти.*



1743. Ҳеч ким «Аллоҳим, бизни сабр қилувчилар қаторида қилгин», демасин, чунки сабр бало билан бирга келади. Бундай деган одам сабр қилиш учун бало сўрагандек бўлади. Бунинг ўрнига «Аллоҳим, бизни бало пайтида сабр қилувчилар қаторида қилгин», десин!




1744. Тилнинг мушаклари инсон жисмидаги энг кучли мушаклардан биридир. Бу неъмат Қиёмат куни заарингизга эмас, фойдангизга хизмат қилиши учун ҳаракат қилинг. Ундан Роббингизга тоат қилишда фойдаланиб, Аллоҳнинг зикридан узоқлаштириб қўйманг (чунки ҳар бир аъзонинг ўз вазифаси бўлгани каби, тилнинг вазифаси гапиришидир. Агар уни Аллоҳнинг зикри билан банд қилмасангиз, у бефойда нарсаларни сўзлашга ўтиб кетади).

Аллоҳ таоло: «**Ким Менинг зикримдан юз ўғирса, унга албатта танглик ҳаёти бўлур, Қиёмат куни эса уни кўр ҳолида тирилтиурмиз**», деган (*Toҳа сураси, 124-оят*).



1745. Ким Аллоҳ учун бир нарсани тарк қилса, бунинг эвазига Аллоҳ ундан яхшироқ нарсани беради.



1746. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким уйқусидан уйғонса, «Алҳамдулилаҳилазии родда ъалайя рухин ва ъафаанини фии жасадии ва азина лии бизикрихи** («Рұхимни ўзимга қайтариб берган, жасадимни саломат қилган ва менга Ўзини зикр қилишига изн берган Аллоҳга ҳамд бўлсин»), десин».

*Ибн Сунний сахиҳ исноҳ билан ривоят қилган.*



1747. Оиша онамиз розияллоху анҳо айтадилар:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай дедилар:  
 «Аллоҳ таоло бир бандага рухини қайтиб берганида (яъни  
 уйғонганида): «Лаа илааха иллаллоҳу ваҳдаҳ, лаа шарийка лаҳ,  
 лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд, ва хува ъалаа кулли шай`ин  
 қодийр» деса, гуноҳлари денгиз қўпигича бўлса ҳам Аллоҳ таоло  
 уни кечириб юборади», дедилар».

*Ибн Сунний ривояти.*



1748. Бир қиз шундай деди: «Хусни жамолини күз-күз қилиб, пардоз-андоз қилиб олган, очик-сочиқ кийиниб олган қизларни күрсам, уларнинг оналарини ўйлайман. Беихтиёр Аллоҳнинг «**Ва уларни тўхтатинглар! Албатта, улар сўралгувчиidlар**» деган сўзи эсимга тушади (*Соффат сураси, 24-оят*). Шунда менинг онам ҳам шу хусусда сўроқ-савол қилинмаслиги учун янада кўпроқ ҳаёқ қила бошлайман».

Аллоҳ бу дунёда ҳаром қилган кўпгина нарсалар жаннатда ҳалол бўлади. Масалан, у ерда анвойи хилдаги ичимликлар бўлади. Аммо Аллоҳ ярим яланғоч бўлиб, очик-сочиқ юришни икки дунёда ҳам ҳаром қилган. Доимо ўраниб, мастура юриш неъматлардан биридир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда «**Сен у ерда оч-яланғоч қолмассан**» (яъни жаннатда доимо қорнинг тўйқ, устинг бут бўлади), деган (*Toxa suras, 118-оят*).



1749. Шундай одамлар борки, уларни ҳар қанча ҳурмат қлсанг қилсанг ҳам сени таҳқирлашаверади. Уларнинг кўнглига қарасанг ҳам сенга азият етказишади. Шаънларини ҳар қанча юқори кўтарсанг, сени шунча паст санашади. Бундайлар сендан ажралгандагина қадрингни билишади...



1750. Бишр ибн Ҳорис роҳимахуллоҳ шундай деган:  
«Кечанг ўлди, бугунинг тортишувда, эртанг эса ҳали туғилмаган. Шундай экан, солиҳ амаллар қилиб қолишга шошил».



1751. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай дедилар: «Бир киши уйқусида уйғониб, **«Алҳамду лиллаҳиллаزии холақон-навма вал-яқзоота.** Алҳамду лилаҳиллаزии баъсании саалиман савиййа. Ашҳаду анналлоҳа йухйил мавта ва хува

ъалаа кулли шай`ин қодийр» (Уйқуни ва бедорликни яратган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Мени соғ-саломат қилиб, ҳаётга олиб кирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳ тирилтирувчиидир, ўлдиргувчиидир ва ҳар нарсага қодирдир, деб гувоҳлик бераман) деса, Аллоҳ таоло: «Бандам рост айтди», дейди».

*Иbn Суннийн rivояти.*



1752. Оиша розияллоҳу анҳо айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси уйғониб қолсалар, ўн марта такбир (*Аллоҳу акбар*), ўн марта таҳмид (*Алхамду лилаҳ*), ўн марта «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳ» (*Аллоҳни ҳамди билан поклайман*), ўн марта «Субҳааналқуддуус» деб, ўн марта истиғфор, ўн марта таҳлил (*Лаа илаха иллаллоҳ*) деб айтардилар. Сўнгра ўн марта «**Аллоҳумма, инни аъузу бика мин зийқид-дуня ва зийқи йавмил қийаама**» (*Аллоҳим, дунёнинг танглигидан, қиёматнинг торлигидан Сендан паноҳ тилайман*) деб, намозни бошлардилар.

*Абу Довуд rivояти.*



1753. Аллоҳим, отамни (ва онамни) дўзах: «Ўта қол, нуриңг оловимни ўчириб қўйди», дейдиганлар қаторидан қил! Жаннат: «Келақол, сени кўришга муштоқ эдим», дейдиганлар қаторидан қил!



1754. Акаларим, сингилларим!

Ярим-яланғоч, беҳаё суратлар романтика эмас. Романтика бошқа, ҳаёсизлик бошқа. Бир кун келиб, қўз неъмати хусусида сўроқ-савол қилинасиз!

Ривожлансанак, фикрлашимиз ҳам ривожлансин!

Ярим-яланғоч суратлардан мақсад битта, у ҳам бўлса – қўз зиносидир!

Хўш, ярим-яланғоч сурат кўришнинг гуноҳини, уни кўрганларнинг гуноҳини қўтара оласизми?!



1755. Кимdir футбол бўйича жаҳон чемпионати яқинлашиб қолганига хурсанд, кимdir Рамазон яқинлашиб қолганига хурсанд.

Самога интилган киши билан одамларнинг оёғи орасига интилган одамнинг ўртасида катта фарқ бор-ку ахир!



1756. Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам кечаси уйғонсалар,  
 «Лаа илааха إلّا أنتَ الْوَهَابُ،

астағирика лизанбии ва ас`алука роҳматак. Аллоҳумма, зидни ъилман ва лаа тузиф қолбий баъда из ҳадайтани, ва ҳаблии милладунка роҳма, иннака антал ваҳҳааб» (Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ. Сени ҳамдинг билан поклайман. Гуноҳларимга истиғфор айтаман, раҳматингни сўрайман. Аллоҳум, илмимни зиёда қил. Ҳидоятга солганингдан кейин қалбимни бурма. Даргоҳингдан менга раҳмат бер, ахир Сен кўплаб ато этгувчисан) дер эдилар».

Абу Довуд ривояти.



1757. Абу Сайд Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўйлак, ридо ёки салла кийсалар, бисмиллоҳни айтиб, сўнг: «**Аллоҳумма, инни ас`алука мин хойриҳи ва хойри маа ҳува лаҳ, ва аъузу бика мин шарриҳи ва шарри маа ҳува лаҳ**» (Аллоҳум, Сендан унинг яшиисини ва унга бериладиган нарсанинг яшиисини сўрайман. Ва унинг ёмонидан ҳамда унга бериладиган нарсанинг ёмонидан паноҳ тилайман) дер эдилар.

Ибн Сунний ривояти.



1758. Ҳаёли, иболи аёл Куёшга ўхшайди. У шундай нур таратадики, унга ҳеч ким тикилиб қарай олмайди.

Аллоҳим, бизга ҳидоят, тақво, иф-fat ва беҳожатлик насиб қил!



1759. Ота-онага яхшилик қилиш ҳаётингизни янада яхшилаш учун ажойиб қувватдир! Уларни рози қилинг, Аллоҳ ҳам сиздан рози бўлади.



1760. Товуқ биттагина арzonгаров тухум туғиб, қақақлаб дунёни бошига күтаради. Балиқ эса минглаб қимматбаҳо увилдириқ қўяди, лекин жим юради.

Сен ҳам режаларингни ошкор қиласвермай, индамай ишингни битиравер. Ўша ишнинг ўзи одамларга сен ҳақингда сўзлаб беради.



1761. Муоз ибн Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким бирор кийимни кийиб, «Алҳамдулилаҳилазии касаани ҳааза, ва розақонийхи мин ғойри ҳавлин миннии ва лаа қувва» деса, Аллоҳ унинг ўтган гуноҳларини кечиради**» (Буни менга кийдирган, ўзгартирмай, қувватимни кетказмай менга насиб қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин), дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*



1762. Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саллами, кўйлакми ёки ридоми – янги кийим кийсалар, бисмиллоҳни айтиб, сўнг қуидаги дуони ўқир эдилар: «**Аллоҳумма, лакал ҳамд, анта қасавтанийҳи, ас`алука хойроҳу ва хойро маа суниъа лах, ва аъуузу бика мин шарриҳи ва шарри маа суниъа лах**» (Аллоҳим, Сенга ҳамд бўлсин, мени Сен кийинтирдинг. Сендан бунинг яхшилигини ва унга қилинган яхшиликни сўрайман, ва бунинг ёмонлигидан ва унга қилинган ёмонликдан паноҳ тилайман).

*Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривояти.*



1763. Қалбингда бир кишига нисбатан бирор нарса бўлса, «Аллоҳуммажъални минал каазиминал гойзо вал аафиинанаа ъанин-наас» (Аллоҳум, мени газабини ичига ютувчилардан, одамларни кечирувчилардан қилгин), дегин.



1764. Ўзингни ёлғиз ҳис қиляпсанми? «Роббии, ҳаб лии милладунка султоонан насииро» (Роббим, даргоҳингдан ёрдам берувчи қувват ато эт), дегин.



1765. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг покиза руҳлари умматни ҳақ ва адолат узра яна қайта жамлашдан ожиз эмас. Демак, у зотга салавоту салом айтишда бардавом бўлайлик, ана шу муваффақиятимизнинг сири бўлади.



1766. Умар розияллоҳу анҳу айтадилар:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким янги кийим кийиб, сўнг «Алҳамду лиллаҳи ҳамд» касааний маа уваарий бихи ъавротий ва атажаммалу бихи фии ҳайаатии» (Менга авратимни тўсадиган, ҳаётимда мени чироили қиласиган кийим кийдирган Аллоҳга ҳамд бўлсин) дуосини ўқиб, сўнг

эскирган кийимини садақа қилишни ният қилса, Аллоҳнинг хифзу ҳимоясида ва Унинг йўлида бўлади», деганларини эшийтдим».

*Термизий ривояти.*



1767. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳунинг эгнида бир кийим кўриб, «Бу янгими ё ювилганми?» дедилар. Умар розияллоҳу анҳу: «Ювилган», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Илбас жадийдан, ва ъийш ҳамийдан, ва мут шаҳийдан, саъийдан**» (Янги кийгин, мақтагудек яшагин, шаҳид бўлиб, баҳтли бўлиб вафот топгин), дедилар.

*Ибн Можса ва Ибн Сунний ривояти.*



1768. Хотиржамлик яшашни истайсизми?

Марҳамат, «Аллоҳумма, инни иставдаътука ҳайаати»  
(Аллоҳим, мен ҳаётимни Ўзингга топширдим), деб айтинг.



1769. Дунё ғам-ташвишларидан чарчадингизми?

Марҳамат, «Аллоҳуммажъал ҳаммий ал-охира» (Аллоҳим, ташвишиш фақат охират гами бўлсин), деб айтинг.



1770. Сенга келаётган яхшиликларнинг баъзан узилиб қолиши янги яхшиликларнинг мўл-кўл бўлиб оқиб келишига тараддуздир.

**«Роббинг сени тарқ этгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ» (Зуҳо сураси, 3-оят).**

**Изоҳ:** Ушбу ояtlар ваҳий келиши бир қанча муддат тўхтаб қолган пайтда, айrim mushriklar: «Мана, Парвардигори Мухаммадни ташлаб кетди», деб гап тарқатган вақтда нозил бўлган. Ойнинг ўн беши коронги бўлса, ўн беши ёргу бўлишига ишора қилаётгандек, Аллоҳ таоло сурани Ўзи яратган чошгоҳ (тонг) ва кеча (тун) ҳаққига қасам билан бошлаб, Мухаммад алайҳиссаломни тарқ этмагани ва ёмон кўриб қолмагани хақида хабар бермоқда.



1771. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам уйдан чиқаётиб, «**Бисмиллахи، تавакkalту ъалаллоҳ. Аллоҳумма، инни аъузы بика ان اديللا، ав удалла، ав ازилلا، ав عزاللا، ав ازليما، ав عزلاما، ав اجھالا، ав йужھالا ۲الایا**» (*Бисмиллаҳ, Аллоҳга таваккал қилдим. Аллоҳим, адашиш ва адаштирилишдан, тойилиши ва тойилтирилишдан, зулм қилиши ва зулм кўришдан, жоҳиллик қилиши ва ўзимга жоҳиллик қилинишидан Сендан паноҳ сўрайман*) деган дуони ўқир эдилар».

*Абу Довуд, Термизий, Насаий ва Ибн Можсалар ривояти.*



1772. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким уйидан чиққанда «**Бисмиллахи، تавакkalту ъалаллоҳ. Ва лаا ҳавла ва лаа қуввата илла биллаах**» (*Бисмиллаҳ, Аллоҳга таваккал қилдим. Аллоҳдан ўзгада ҳол ҳам, қувват ҳам йўқдир*) деса, унга: «**Куфийта، ва вуқийта، ва ҳудийта**» (*Хидоят қилиндинг, (шайтондан) сақландинг, ҳимоя қилдиндинг*) дейилади **ва шайтон ундан узоқлаштирилади**».

*Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривояти. Абу Довуднинг ривоятида қуидаги сўзлар зиёда қилинган: «Шайтон бошқа бир шайтонга: «Бир киши ҳидоят қилинибди, сендан ҳимоя қилинибди. Энди ҳолинг не кечади?» дейди».*



1773. Қалбларимизга Аллоҳнинг розилиги ўрнашса, ҳамма янада гўзалроқ бўлиб қолади.



1774. Бир ишдан хурсанд бўлсанг, «Алҳамдуиллаҳи роб бил ъааламийн» (Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин), дегин.

Ночор қолсанг, «Аллоҳуммарзуқнии ва анта хойрур-розикийн» (Аллоҳум, менга ризқ бер, Сен ризқ берувчиларнинг энг яхшиисисан), дегин.

Зарар кўрсанг, «Лаа илаха илла анта، субҳаанака, инни  
кунту миназ-золимиин» (Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ, Сени поклаб ёд  
этаман. Мен золимлардан бўлиб қолдим) дегин.



1775. Кимнинг қалби Аллоҳ таолога юзланмайдиган бўлиб, ўлиб қолса, унинг учун ҳаёт йўқдир, ўлими эса ғам ва азобдир.

Кимнинг қалби Робби азза ва жалла билан тирилса, ўлим унинг учун юзаки бўлади холос. У Аллоҳ билан доимий унсу-улфатда, доимий неъматдадир.



1776. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам манзилларидан чиқсалар, «Бисмиллаҳи туклаану ъалаллоҳ, лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаах» (Бисмиллаҳ, Аллоҳга таваккул. Аллоҳдан ўзгада ҳол ҳам, қувват ҳам йўқдир) дер эдилар».

*Ибн Можса ва Ибн Сунний ривояти.*



1777. Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедиилар: «Киши уйига кираётганида «Аллоҳумма, инни ас'алука хойрол мавлижи ва хойрол маҳроҷ. Бисмиллаҳи валажнаа ва бисмиллаҳи хорожнаа, ва ъалаллоҳи роббинаа таваккалнаа» (Аллоҳум, Сендан киришининг ҳам, чиқишнинг ҳам яхшисини сўрайман. Аллоҳнинг исми билан кирдик, Аллоҳнинг исми билан чиқдик. Роббимиз Аллоҳга таваккул қилдик) деб, сўнг аҳлига салом берсин».

*Абу Довуд ривояти.*

Манзилга кираётганда бисмиллоҳни айтиб, зикрни кўпайтириб, уйда одам бор бўлса-бўлмаса салом бериб кириш мустахабдир. Аллоҳ таоло Нур сурасида: «Қачон уйларга кирсангиз, бир-

**бириңизга Аллохнинг даргоҳидан муборак, покиза салом айтинглар», деб буюради (61-оят).**

Анас розияллоҳу анху айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Болажоним, уйингга кирсанг, салом бериб кир. Бу ўзингга ҳам, аҳли аёлингга ҳам барака келтиради», деганлар».

*Имом Термизий ривояти.*